# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 26 май, № 103 (5523) Шанба


# Юксак эътиборга муносиб авлод

## Навоий шаҳрида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари — 2012” спорт ўйинлари республика босқичи якунланди.

***Президентимизнинг мазкур спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригида таъкидланганидек, “Умид ниҳоллари” ўйинлари мамлакатимиздаги миллионлаб ёшларни спорт билан таништириш, уларни спортга ошно этиш, жамиятимизда соғлом турмуш тамойилларини кенг қарор топтиришдек олижаноб мақсадга қаратилгани билан, айниқса, эътиборлидир.***




Дарҳақиқат, юртимизда жорий этилган уч босқичли тизим муваффақиятининг сири шундаки, унда ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъдод ва имкониятлари босқичма-босқич шакллантириб борилади. Аввало, шу орқали улар ўртасида спортнинг оммавийлиги ошади. Рақиби ўзидан кучлироқ эканини сезган ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланишга эҳтиёжи борлигини англайди ва бунга астойдил киришади. Қолаверса, бундай баҳслар ёшлар орасида соғлом рақобатни ҳам юзага келтиради. Яъни навбатдаги босқичларга ўтгани сайин кучли рақибларга дуч келиши уларни янада жиддийроқ машғулотлар олиб боришга ундайди.

Бундай ўйинларнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, баҳсларга тайёргарлик жараёнида ҳудудлар инфратузилмасида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилади, кўплаб спорт иншоотлари барпо этилади. Жумладан, “Умид ниҳоллари — 2012” спорт ўйинлари финал босқичини юксак савияда ўтказиш мақсадида Навоий вилоятида қарийб 56 миллиард сўм маблағ сарфланиб, муҳташам спорт саройлари ва мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари ҳамда инфратузилма объектлари қурилди. Улар соғлом авлод камолоти йўлида давлатимиз раҳбарининг беқиёс ғамхўрлиги намунаси бўлиб, халқимизга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

## Дунё нигоҳи

*Хитойда нашр қилинадиган “Дунфан Цзаобао” газетасида мамлакатимиз инвестициявий салоҳиятига бағишланган “Ўзбекистон хорижий сармоялар учун очиқ” сарлавҳали мақола чоп этилди. Юртимизда қулай инвестициявий муҳитни яратиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар, хорижий сармоядорларни жалб қилиш мақсадида жорий этилган имтиёз ва афзалликлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар мазкур мақолада ўз ифодасини топган.*

# «Дунфан Цзаобао» Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳияти ҳақида

Унда қайд этилишича, 20 йиллик мустақил тараққиёти мобайнида Ўзбекистонда сармоявий сиёсатни ривожлантириш борасида чуқур ўйланган саъй-ҳаракатлар амалга оширилгани ҳолда, инвестициялар оқимининг юқори суръатлари ва иқтисодий ривожланишнинг юксак кўрсаткичларини таъминлашга имкон берадиган оқилона чора-тадбирлар ишлаб чиқилдики, бу Ўзбекистоннинг дунёдаги жадал ривожланаётган мамлакатлар сафидан жой олишини таъминлади. “Қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида, — дея ёзилади газетада, — тўғридан-тўғри инвестициялар оқими кучайиб, улар сармоялашнинг умумий ҳажмида 26,6 фоизни ташкил этгани ҳолда, бугунги кунда мамлакат ишлаб чиқаришининг ўсиши ҳамда технологик жиҳатдан ривожланишига салмоқли таъсир кўрсатмоқда”. “Дунфан Цзаобао” газетаси ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистонда хорижнинг тўғридан-тўғри инвестициялари асосида 4200 та корхона барпо этилганини ўз ўқувчиларига маълум қилар экан, юртимизда мақсадли тарзда фойдаланиладиган сармояларнинг ўртача йиллик ҳажми 3 миллиард АҚШ долларига етгани хусусида тўхталади.

Мақолада таъкидланишича, Ўзбекистон ҳукумати 2012 йилда хориж капиталлари ҳажмини 16 фоизга орттиришни мақсад қилган. “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг хорижлик сармоядорлар ҳамда мамлакат бизнес ҳамжамиятининг республикадаги ишбилармонлик муҳити ҳолатини янада яхшилаш борасидаги таклиф ва истакларини ҳар томонлама ҳисобга оладиган “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, шубҳасиз, бу мақсадга эришиш учун кўмаклашади”, дея ёзилади газетада.

(Давоми 3-бетда).

## Тиббиёт

*Пойтахтимизда Ўзбекистон — Жанубий Корея тиббиёт мутахассисларининг илмий-амалий семинари иш бошлади. Мазкур йирик тиббиёт анжумани ўтган йили Корея Республикаси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида имзоланган Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани бўйича ўзаро англашув меморандуми доирасида ташкил этилди.*

# Халқаро ҳамкорлик ривожланмоқда

Анжуман кадрлар алмашинуви ҳамда уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада кучайтириш масалаларига бағишланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икромов, Жанубий Корея соғлиқни ривожлантириш институти президенти Ко Кён Хва, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чон Дэ Ван ва бошқалар давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча жабҳаларда, шу жумладан, тиббиёт соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётганини қайд этдилар. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳоли саломатлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, миллат генофондини сақлаш ҳамда турмуш даражасини ошириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ижобий самара бермоқда. Хусусан, истиқлол йилларида тизимнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилиб, энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган шифо масканлари фаолияти йўлга қўйилди.

(Давоми 3-бетда).

## Сурур

*Навоий шаҳрида катта уюшқоқлик билан ўтказилган “Умид ниҳоллари — 2012” спорт ўйинларининг республика босқичи унда қатнашган ўқувчи-ёшларнинг шижоатию маҳоратини намоён этди. Дўстлик, ғолиблик руҳияти ва кескин ҳамда муросасиз курашлар остида кечган беллашувлар иштирокчилар ёдида бир умр муҳрланиб қолиши, табиий. Буни уларнинг мусобақадан олган таассуротларию дил сўзларидан ҳам яққол англаш мумкин.*

# Унутилмас лаҳзалар шукуҳи

**Нодира ШАМСУТДИНОВА, сузиш бўйича “Умид ниҳоллари — 2012” спорт ўйинлари ғолиби (Андижон вилояти):**

— Навоий шаҳри мезбонлик қилган ёшлик ва спорт байрами мен учун кўпдан-кўп унутилмас онларни туҳфа этди. Янги дўстлар орттирдим, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдим, суратларга тушдим. Ҳадемай оилам, синфдошларим даврасига қайтганимда, булар ҳақида мириқиб гапириб бермоқчиман.

Спортнинг сузиш турига иштиёқим баланд. Келажакда халқаро мусобақаларда қатнашсам, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилсам, дейман. Бунда, албатта, “Умид ниҳоллари”да орттирган тажрибамга таянаман. 100 метрга брасс усулида сузишда ғолибликни қўлга киритдим. Очиғи, тақдирлаш маросимида қаттиқ ҳаяжонландим. Ўзимни худдики, халқаро ареналардагидек ҳис қилдим. “Баркамол авлод”, Универсиада мусобақаларида ҳам маҳоратимни оширсам, шубҳасиз, ана шу орзуларимни ҳақиқатга айлантираман.

**Азамат МАТЁҚУБОВ, миллий кураш бўйича “Умид ниҳоллари — 2012” спорт ўйинларининг олтин медали соҳиби (Хоразм вилояти):**

— “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларида иштирок этганимнинг ўзи мен учун катта бахт. Бу ерда олтин медалга сазовор бўлганим эса қўшалоқ қувончдир. Албатта, мақсад фақат ғолиблик эмас. Бундай спорт ўйинлари тажрибамизни сайқал топтириш йўлида катта мактаб вазифасини ўтайди. Масалан, миллий кураш баҳсларида ҳар бир тенгдошимнинг чиқишини диққат билан кузатдим. Яхши тайёргарлик кўришгани шундоқ сезилиб турди. Уларнинг услубида қандайдир ўзига хос жиҳатни кўрсам, ўрганишга интилдим. Қисқаси, таассуротларим бир олам.

Навбатдаги “Умид ниҳоллари” ўйинлари Хоразмда ўтказилиши бизга чексиз қувонч ва ғурур бағишлайди. Вилоятимизда бўладиган беллашувлар ҳам юксак савияда ташкил этилишига ишонамиз.

**Рухшона ЭРГАШЕВА, бадиий гимнастика бўйича “Умид ниҳоллари — 2012” спорт ўйинлари ғолиби (Самарқанд вилояти):**

— Яқин кунларда Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида XXX ёзги Олимпиада ўйинлари бошланади. Ана шу нуфузли беллашувларда акаларимиз, опаларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

(Давоми 2-бетда).

# Мактабдан – коллеж ва лицейларга

*Навқирон авлоднинг кенг дунёқарашга эга етук маънавиятли шахс бўлиб камол топиши энг катта орзу-мақсадларимиздан биридир. Шу боис бугун ёшларимиз замонавий билимларни пухта эгаллаши, истеъдоду салоҳиятини намоён этиши учун юртимизда беқиёс имкониятлар яратилмоқда.*

## Сўнгги қўнғироқ



Барчамиз кўриб гувоҳи бўлаётганимиздек, Президентимиз раҳнамолигида изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилган мақсадли дастурлар туфайли нафақат шаҳар марказлари, балки энг чекка қишлоқ ва овулларда ҳам муҳташам мактаблар, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари бунёд этилди. Ушбу зиё масканларида ёшларнинг иқтидори юзага чиқиши, орзу-мақсадлари ижобат бўлиши учун қулай имкониятлар мавжуд. Муҳими эса, интилувчан ўғил-қизлар ана шундай юксак ғамхўрлик, ишонч ва эътиборни юракдан ҳис этиб, янги марралар, фахрланишга арзигулик ютуқлар сари дадил илдамламоқдалар.

Кеча мамлакатимиздаги барча мактабларда бўлиб ўтган “Сўнгги қўнғироқ” тадбирларида бу алоҳида таъкидланди. Хусусан, пойтахтимиздаги 69-умумтаълим мактабида ташкил этилган “Мустақил юрт фарзанди, она-Ватан сени чорлайди!” деб номланган тантанали тадбирда битирувчиларнинг эзгулик, дўстлик ва меҳр-оқибат ғоялари тараннум этилган бадиий дастури намойиш қилинди.

— Ўз фарзандимиздек бўлиб қолган бу ёшлар кечагина жажжи болакай эдилар, бугун эса уларнинг улғайиб, бўйлари бўйимизга етиб, катта орзу-мақсадлар сари интилаётганликларига ўзимиз ҳам ҳавас билан боқаяпмиз, — дейди мактаб директори Раҳима Бобожонова. — Ишонамизки, улар ўзлари қизиққан йўналиш бўйича коллеж ва лицейларда аъло баҳоларга ўқиб, келажакда етук малакали мутахассис сифатида билимларини намоён қилишади.

(Давоми 4-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИНИНГ ТОЖИКИСТОНДАГИ «ТАЛКО» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ТОМОНИДАН ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ЗАРАРЛАНИШИ ОҚИБАТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

*Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар босма нашрлари, қатор интернет-сайтлар саҳифаларида сўнгги йилларда минтақадаги йирик саноат корхоналарининг ҳудудларга трансчегаравий зарар етказаётгани ҳақидаги масалалар кенг муҳокама этилмоқда.*

Бу борада “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонаси (“Талко” ДУК) чиқараётган ташланмалар Сурхондарё вилоятининг шимолий ҳудудларини трансчегаравий ифлослантираётгани хусусидаги масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

1975 йилда экологик стандартларга риоя этилмасдан, замон талабларига жавоб бермайдиган технологиялар асосида қурилган мазкур корхона атроф-муҳитни заҳарли бирикмалар билан зарарлантирадиган манбага айланди.

“Тожикистон алюминий заводи” давлат унитар корхонаси Душанбе шаҳри ғарбидан олтмиш километр узоқликда, Турсунзода шаҳри яқинида жойлашган. Мавжуд маълумотларга кўра, у йилига 350-400 минг тонна алюминий ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона Ўзбекистон Республикаси чегарасидан атиги 18 километр масофада жойлашгани боис мамлакатимизнинг Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой ва Жарқўрғон туманларининг 1,1 миллион нафардан ортиқ аҳолиси унинг зарарли таъсири остида қолмоқда.

“Талко”нинг саноат чиқиндилари Сурхондарё вилояти атроф-муҳити ва қишлоқ хўжалигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Биринчи навбатда, атмосфера ҳавоси ифлосланмоқда. “Талко” ДУК атмосферага ҳар йили ўртача 22-23 минг тонна заҳарли моддалар чиқармоқда. Уларнинг асосий таркибини олтингугурт ангидриди, азот оксидлари, фторли водород ва бошқа заҳарли моддалар ташкил қилади.

Улар орасида фторли водород ўта хавфли бўлиб, бу модданинг атмосферага чиқарилиши йилига қарийб 122 тоннани ташкил этади.

Шамол йўналишлари таҳлили шуни кўрсатадики, улар, асосан, шимолий ҳамда шимоли-шарқий йўналиш бўйича эсади ва буннинг натижасида завод атмосферага чиқараётган заҳарли моддаларнинг асосий миқдори 18-19 соат ичида ҳаво оқими орқали Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун, Денов, Жарқўрғон ва бошқа туманларига тарқалиб, бу ердаги ҳудудларни заҳарламоқда.

Масалан, 2006 — 2011 йилларда Сариосиё тумани ҳудуди атмосфера ҳавосида фторли водород таркиби рухсат этилган ўртача йиллик концентрация миқдоридан 1,8-2 баробар ошганини кўрсатмоқда. Айниқса, ёзда фторли водороднинг юқори даражада қуюқлашиши кузатилмоқда ва бу кўрсаткич рухсат этилган концентрация миқдоридан 3,4 баробар кўпдир.

Атмосфера ҳавосида фторли водород миқдори кўпайиб бораётгани оқибатида тупроқ, сув ресурслари зарарланмоқда, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги, чорвачилик маҳсулдорлиги пасайиб кетмоқда, шунингдек, аҳоли саломатлиги ва генофондига салбий таъсир этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Юксак эътиборга муносиб авлод

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Жорий йилги мусобақаларнинг туман ва вилоят босқичларида 1 миллион 600 минг нафарга яқин мактаб ўқувчиси иштирок этди. Якуний босқичда эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган 783 нафар йигит-қиз спортнинг ўн икки тури бўйича ўзаро беллашди. Низомга кўра, баҳслар халқаро Олимпиада талабларига мувофиқ ўтказилди. Қатнашчиларнинг пухта тайёргарлик кўргани, тажриба ва маҳоратини ошириш борасида тинимсиз машқ қилгани, ғалабага интилиши ҳар бир мусобақанинг муросасиз кечишини таъминлади.

Яна бир гап. Уч босқичли мусобақаларга қизиқиш ортиб бориши сабабли, эндиликда жамоаларнинг тенгма-тенг баҳс юритаётгани кўзга ташланмоқда. Хусусан, қизлар ўртасидаги баскетбол мусобақаларида бу гал навоийлик ўқувчиларнинг ғолиб бўлгани, Қорақалпоғистон Республикаси вакилларининг иккинчи ўринни қўлга киритгани фикримиз тасдиғидир. Ёки миллий кураш бўйича Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Самарқанд вилояти спортчилари доимо юқори поғоналарни банд этишган бўлса, қарангки, Навоийда мезбонлар вакили Абдулла Бобоқулов (65 кг.), хоразмлик Азамат Матёқубов (55 кг.) олтин медаль соҳибига айланди. Ўсмирлар ўртасидаги шахмат мусобақаларида эса Тошкент вилояти вакили Алишер Бекмуродов бирор марта ҳам мағлубиятга учрамади.

Таъкидлаш жоизки, ана шундай муросасиз ва ҳаяжонли онлар мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари томонидан мунтазам ёритиб борилди. Интернет тармоғида очилган махсус сайт(umid-nihollari.uz)да беллашувлар ҳақида фотолавҳалар, қизиқарли маълумотлар, энг сўнгги натижалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида бериб борилди.

— Навоий шаҳрида кўтаринки кайфиятда ўтказилган мазкур спорт мусобақалари нафақат ёшлар, балки биз, мураббийлар ҳаётида ҳам бир умрга эсда қоладиган катта воқеа бўлди, — дейди белбоғли кураш бўйича Наманган вилояти терма жамоаси бош мураббийси Неъматжон Тўйчиев. — Спортнинг ушбу тури бўйича умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритдик. Терма жамоамиз зафарига, айниқса, Тўрақўрғон туманидаги кураш мактаби ўқувчилари Абдурасул Ҳабибуллаев ва Искандар Исмоилов муносиб ҳисса қўшди. Ёшларимиз эришган мазкур муваффақият уларни янгидан-янги марралар сари ундаши, шубҳасиз.

"Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинлари дастури доирасида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар, таниқли спортчилар, ёзувчилар, санъат арбоблари билан учрашувлар ўтказилди, вилоятнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилиб, турли концерт дастурлари намойиш этилди.

...Навоий шаҳридаги марказий стадион байрамона безатилган. Чорлов мусиқаси янграйди. "Умид ниҳоллари — 2012" спорт мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросими бошланди. Майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари вакиллари кириб келади.

Энг ҳаяжонли дақиқалар — ғолибларни тақдирлаш маросими бошланди.

Мусобақада энг кўп медаль жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри терма жамоаси бош соврин — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мазкур "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси — "Дамас" автомобили билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Навоий вилояти ва учинчи поғонадан жой олган Самарқанд вилояти жамоаларига Президент совғаси — "Дамас" автомобиллари топширилди.

Беллашувларда алоҳида маҳорат кўрсатган, ирода ва ғалабага интилишини намоён этган бир гуруҳ спортчи-ўқувчилар махсус совринга сазовор бўлди.

Мусиқа садолари остида "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг байроғи туширилади. Уни навбатдаги финал босқичи мезбони — Хоразм вилояти ўқувчи-спортчилари қабул қилиб олишди.

Мусобақалар давомида ёшларни курашга, ғалабага ундаб турган "Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинларининг машъаласи аста-секин ўчирилади.

Ёпилиш маросими юртимиз таниқли санъаткорлари томонидан намойиш этилган катта концерт дастури билан якунланди.

Шу унутилмас дамларда "Умид ниҳоллари — 2012" спорт мусобақалари иштирокчилари давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида ўтказилган бу мусобақаларга мезбонлик қилган навоийликларга миннатдорлик билдириб, "Хоразм вилоятида кўришгунча", деган эзгу ният билан хайрлашдилар.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригида худди шу ҳақда сўз юритилиб, бугун барчамизнинг фахримизга айланган тажрибали спортчиларимиз айнан биз қатнашаётган мана шундай мусобақаларда катта спорт оламидаги илк қадамларини қўйишгани алоҳида эътироф этилди. Бу сўзлар кучимга куч, ишончимга ишонч қўшди. Дилимга туккан эзгу мақсадларим сари қатъиятимни янада оширди. Навоийдаги муваффақиятимдан руҳландим. Келажакда Ульяна Трофимова каби маҳоратли гимнастикачи бўлмоқчиман.

# Унутилмас лаҳзалар шукуҳи

**Мавлон САИДОВ,**
**меҳнат фахрийси (Навоий шаҳри):**

— Президентимизнинг ёшларга бўлган меҳри, эътибори чексиз. Буни барчамиз кўриб, дилдан ҳис қилиб турамиз. Мустақиллик йилларида қад ростлаган бири-биридан кўркам мактаблар, коллежлар, олий ўқув юртлари, спорт саройлари ана шу ғамхўрликнинг меваларидир. Мана, Навоийдаги ўзгаришларни олинг. "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари муносабати билан 10 мингдан ортиқ томошабинга мўлжалланган стадион, спорт заллари, сузиш ҳавзалари, турар-жойлар барпо этилди. Ҳаммасини бориб кўрдик. Жудаям чиройли, маҳобатли. Одамнинг ҳаваси келади. Яна қанча-дан-қанча спорт иншоотлари таъмирланди, йўллар, хиёбонлар обод қилинди. Бу ишларга қарийб 56 миллиард сўм маблағ сарфланибди. Бу озмунча пул эмас. Эътибор дегани шунчалик бўлади-да. Давлатимиз раҳбари ўғил-қизларимизнинг муносиб келажаги, таълим-тарбияси учун қанча куч ва маблағ зарур бўлса аямаймиз, деб кўп айтадилар. Вилоятимиздаги бунёдкорликлар мисолида ана шу гаплар яна бир карра тасдиғини топди. Шубҳасиз, ёшларимиз ўзларига билдирилган мазкур юксак ишончга муносиб бўлиб камол топишади.

**Азизбек НАБИЖОНОВ,**
**белбоғли кураш бўйича "Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинлари бронза медали соҳиби (Фарғона вилояти):**

— Мен белбоғли курашнинг ҳал қилувчи қисмида наманганлик Абдурасул Ҳабибуллаевга имкониятни бой бериб қўйдим. Келгусида ўз устимда ишлаб, насиб этса, "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритаман.

# ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИНИНГ ТОЖИКИСТОНДАГИ «ТАЛКО» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ТОМОНИДАН ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ЗАРАРЛАНИШИ ОҚИБАТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айниқса, тупроқ кўп зарарланмоқда. "Талко" ДУК заҳарли чиқиндилари таъсири остида қолаётган ҳудудларда ўтказилган тадқиқотлар бу ердаги тупроқ таркибида катта миқдорда кўчиб юрувчи фтор тўпланганини кўрсатмоқда. Айни пайтда зарарланиш манбаидан 150 километр радиусдаги ҳудудлар сувда эрийдиган фтор билан заҳарланган.

Қайд этилган ҳудудларда кўп йиллар мобайнида фтор тўпланиб, кучли таъсир кўрсатаётгани натижасида тупроқ таркиби бутунлай ўзгариб кетган ва бу ҳолат унинг кимёвий-биологик вазифаси бузилиши ҳамда экологик вазиятнинг ёмонлашувига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, "Талко" ДУК чиқараётган заҳарли моддалар қишлоқ хўжалик экинлари ва чорвачиликка ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани ташвиш уйғотади.

Узоқ йиллар мобайнида тупроқ таркибида юқори концентрацияли сувда эрийдиган фторнинг тўплангани ўсимликларнинг ривожланишига ҳам салбий таъсир ўтказмоқда, бунинг натижасида сабзавот экинлари ҳосилдорлиги ҳамда сифати пасайиб бораётгани кузатилмоқда. Мисол учун, фторли водород билан кучли зарарланган Сариосиё, Узун ва Денов туманлари ҳудудида сабзавот экинлари ҳосилдорлиги 46 фоизга камайган.

Бундан ташқари, "Талко" ДУК чиқараётган заҳарли моддалар уруғларнинг униб чиқиши, дарахтларнинг мева тугиши, ўсимликларнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, полиз экинлари ҳосилдорлиги 24,4, сабзавотлар ҳосилдорлиги 34, узум ҳосилдорлиги 37,8 фоизга камайиб кетган.

Мева-сабзавотларда фторидлар қуюқлиги рухсат этилган концентрация миқдоридан 11-19, буғдойда 5-6,5 фоизни ташкил этиши аниқлангани ҳам ўта ташвишланарлидир.

Бундан ташқари, чорва molларнинг таркибида фтор юқори бўлган ўсимликларни истеъмол қилиши уларнинг организмида жиддий физиологик ўзгаришлар, яъни кальций ва йод баланси бузилиши, тишларининг қимирлаб қолиши ва тушиши, найчасимон суяклари қийшайиши, бўғинлари шикастланиши, флюроз, остеодистрофия, остеопороз, остеомаляция касалликларининг пайдо бўлиши, рахит ва бошқа касалликларга чалинишига сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, клиник тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Сариосиё туманида 3-5 ёшдаги ҳайвонларнинг 80-90 фоизининг тишларида қора доғлар, уларнинг едирилиши, тешилиши ва оқибатда тушиши кузатилмоқда.

Озуқа ва биоматериаллар таркибида фторнинг юқори даражада бўлиши ҳайвонлар организмида жиддий ўзгаришларга олиб келмоқда ва бу уларнинг чала насл бериши, муҳитга чидамлилигининг пасайиши, яроқсизлигига ва ўлик насл туғилишига сабаб бўлмоқда. Бу туманларда қорамолларнинг ўртача солиштирма оғирлиги вилоятнинг бошқа туманларига қараганда 15-20 килограммга кам. Бундан ташқари, тадқиқотлар давомида сутда фтор қуюқлиги рухсат этилган концентрация миқдоридан 9-13, гўштда 10,9 фоизга ошгани аниқланди.

Энг хавфли томони шундаки, "Талко" ДУК атмосферага чиқараётган моддалар аҳоли саломатлиги ва генофондига салбий таъсир кўрсатмоқда. Алюминий олишда фторли водороддан ташқари, катта миқдорда углерод ва олтингугурт оксидларининг заҳарли газлари ҳам ажралиб чиқади. Улар инсонда йирингли бронхит, ўпканинг сурункали шамоллаши, бош айланиши, мигрень ва қон босими ошишига сабаб бўлади. Айниқса, заҳарли чиқиндилар хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигига хавфли таъсир кўрсатмоқда.

Сурхондарё вилоятининг кўрсатиб ўтилган туманларида болалар ва катта ёшли аҳолининг патологик ўзгаришлар бўйича касалланиши вилоят бўйича ўртача кўрсаткичдан 3 баробар юқоридир.

Айни вақтда 2011 йилда Узун туманида аҳолининг умумий касалланиши 2006 йилдагига нисбатан 24,2, Сариосиё туманида 12,7 фоизга, нафас олиш органлари касалликлари сони 3,4, эндокрин тизими касалликлари 2,8 баробар, овқат ҳазм қилиш органлари 27,7, шунингдек, қон ва қон ҳосил қилиш органлари касалликлари 29,4 фоизга ошгани қайд этилди.

"Талко" ДУК таъсири зонасида яшаётган Сариосиё тумани аҳолиси саломатлигини текшириш натижалари умумий касалликлар таркибида қуйидаги хасталиклар кўп учрашини кўрсатди:

— нафас олиш органлари (2006 йилдаги 24 фоиз ўрнига 2011 йилда 27,8 фоиз);

— овқат ҳазм қилиш органлари (12,6 фоиз ўрнига 14,7 фоиз);

— эндокрин тизими (11,2 фоиз ўрнига 14,1 фоиз);

— қон ва қон ҳосил қилиш органлари (12,6 фоиз ўрнига 15,3 фоиз).

Атроф-муҳитнинг аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши оқибатида юқорида қайд этилган туманларда ўртача умр кўриш кўрсаткичлари аёлларда 68, эркакларда 65 ёшни ташкил қилмоқда. Ҳолбуки, республикамиз бўйича бу кўрсаткич аёлларда 75, эркакларда эса 72 ёшни ташкил этади.

"Талко" ДУК чиқиндиларидан кўп зарар кўрган туманларда, масалан, Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманига нисбатан, ҳомиланинг тушиб қолиши (2-2,5 марта кўп), ҳомила нормал ривожланмагани сабабли абортлар (ҳар минг нафар туққан аёлларнинг 16 нафаридан 9 нафарида), муддатидан олдин туғиш (ҳар минг туққан аёлнинг 34 нафаридан 13 нафарида), чала ва вазни кам (2500 граммга етмаган) болаларнинг туғилиши (туғилган ҳар минг боланинг 35-45 нафаридан 26 нафарида) кузатилмоқда.

Ушбу туманларда ҳомиладорликнинг 95 фоизи юқори даражадаги қалқонсимон без, таносил тизими касалликлари билан кечмоқда.

Бундан ташқари, "Талко" ДУКнинг таркибида фтор бор чиқиндиларининг таъсири натижасида ҳомиладорларни ультратовуш орқали текширишда уларнинг ҳомиласи ривожланишида туғма нуқсонлар 2006 йилдаги 0,6 фоиз ўрнига 2011 йилда 2,8 фоизга (4,6 баробар) ошган. Қонни биокимёвий текширишлар эса бу кўрсаткич тегишинча 8,2 фоиздан 14,8 фоизга, яъни 1,8 марта ошганини кўрсатмоқда.

2006 — 2011 йилларда ҳомиладор аёллар скринингида 687 ҳолатда ҳомила ривожланишида туғма нуқсонлар, уларнинг қони биокимёвий текширилганда эса, 979 ҳолатда патологик ўзгаришлар мавжудлиги аниқланди.

Шу билан бирга, мониторингга мувофиқ, сўнгги беш йилда Сариосиё туманида ўлик туғилган чақалоқлар сони 7,7 баробар кўпайган. 2011 йилда Денов, Сариосиё ва Узун туманларида ўлик туғилган чақалоқлар сони вилоят бўйича ўртача кўрсаткичдан 27,3 фоизга кўпдир.

Бундан ташқари, 2011 йилда ушбу туманларда:

— 16 ёшгача бўлган 3106 нафар ногирон бола рўйхатга олинган, бу 2006 йилдагига нисбатан 9,5 фоиз, Сариосиё туманида эса 17,1 фоиз кўпдир;

— 16 ёшдан катта 12655 нафар ногирон рўйхатга олинган, бу 2006 йилдагига нисбатан 1,5 баробар, Сариосиё туманида эса 1,6 баробар кўпдир.

"Талко" ДУК томонидан Ўзбекистон Республикасининг Сурхондарё вилояти аҳолиси саломатлиги ва атроф-муҳитига етказилган иқтисодий зарар таҳлил қилиб чиқилди. Ҳисоб-китобларга кўра, 2006 — 2011 йилларда вилоятнинг тўрт тумани (Сариосиё, Узун, Денов, Жарқўрғон) атроф-муҳитига етказилган экологик-иқтисодий зарар 100,8 миллион доллар ҳажмида (экологик-иқтисодий зарар Энгель кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқилди) баҳоланмоқда.

Сўнгги беш йилда Сурхондарё вилоятининг Денов, Жарқўрғон, Сариосиё ва Узун туманлари қишлоқ хўжалигига етказилган иқтисодий зарар 174,97 миллион доллар ҳажмида баҳоланмоқда, жумладан:

— қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги пасайиши ҳисобидан — 8,08 миллион доллар;

— соғиб олинадиган сут миқдори камайиши ҳисобидан — 33,2 миллион доллар;

— чорва моллар вазнининг камайиши ҳисобидан — 133,7 миллион долларни ташкил этади.

Ҳисоб-китобларга мувофиқ, аҳоли саломатлиги ва генофондига ҳар йили етказилаётган иқтисодий зарар 31,2 миллион доллардан ошмоқда. Жумладан, аҳоли саломатлигини тиклаш ва генофондини сақлашга Давлат бюджети ҳисобидан 20,8, аҳоли томонидан 10,4 миллион доллар сарфланмоқда. Шулар қаторида флюороз касаллигини даволаш харажатлари 16,07, хотин-қизлар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш учун 0,75, қон ва қон ҳосил қилиш органлари касалликларини даволаш учун 4,8, эндокринологик ва овқат ҳазм қилиш органлари касалликларини даволаш учун 3,3, нафас олиш органлари касалликларини даволаш учун 3,9 миллион доллар йўналтирилмоқда.

Бунда фақат 2007 — 2011 йилларда етказилган иқтисодий зарар миқдори 156 миллион доллардан ортиқ бўлганини алоҳида қайд этиш жоиз.

2007 — 2011 йилларда 16 ёшгача бўлган ногирон болалар, шунингдек, 16 ёшдан катта ногиронлар эҳтиёжлари учун Давлат бюджетидан 28 миллион доллар сарфланди.

Шу тариқа, "Талко" ДУК томонидан сўнгги беш йилда Ўзбекистонга етказилган жами иқтисодий зарар 447,3 миллион долларни ташкил этди.

"Талко" ДУК фаолиятининг хавфли оқибатларидан ташвишга тушган Сурхондарё вилояти аҳолиси бундан бир йил аввал мазкур корхона ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарияти эътиборини тортиш мақсадида қатор норозилик акцияларини ўтказган эди. Улар БМТ Бош Ассамблеяси, ЮНЕП ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига қарата "Тожикистон алюминий компанияси" давлат унитар корхонасининг зарарли ишлаб чиқаришини зудлик билан тўхтатиш, "Талко" ДУКда ушбу корхонанинг унга туташ ҳудудлар аҳолисига, флора ва фаунасига етказган зарарини аниқлаш учун нуфузли халқаро мустақил экспертларни жалб қилган ҳолда, экологик экспертиза ўтказиш, корхона тўлиқ модернизация қилиниши ва замонавий тозалаш қурилмалари билан жиҳозланиши, корхонанинг бир неча ўн йиллик фаолияти давомида минтақа аҳолиси саломатлигига ва атроф-муҳитга етказилган зарарни тўлиқ қоплаш мажбуриятини юклашдан иборат позицияси баён этилган Мурожаатни қабул қилган эди.

Сурхондарё вилояти аҳолисининг 757 мингдан ортиқ кишиси имзолаган ушбу Мурожаатида: "Биз ишонамизки, киндик қони тўкилган ўз она-ерида хавфли саноат ишлаб чиқаришининг зарарли чиқиндилари туфайли соғлом атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлаётган одамлар тақдири халқаро ҳамжамиятни бефарқ қолдирмайди", деб таъкидланган эди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати ушбу Мурожаатни БМТ Бош котиби Пан Ги Мун, БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури ижрочи директори Ахим Штайнер ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори, доктор Маргарет Ченга йўллади ва уларни "Тожикистон алюминий компанияси" ДУК саноат чиқиндиларидан зарар кўраётган минтақа аҳолиси ҳамда атроф-муҳитни ҳимоя қилишга чақирди.

Ушбу масалалар 2010 йил 16-17 ноябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган "Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш" халқаро конференциясида, шунингдек, 2011 йил 9 декабрда "Экологик хавфсизлик, саломатликни муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари: уларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни" мавзуида ўтган халқаро давра суҳбатида атрофлича муҳокама этилди.

Жамоатчиликни ташвишга солаётган бу масалалар "Талко" ДУК раҳбариятига ҳам бир неча марта етказилди. Масалан, Ўзбекистон Экологик ҳаракати корхонанинг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига етказаётган трансчегаравий таъсири масаласини муҳокама этиш, зарарлаш манбалари, шунингдек, уларнинг таъсир зоналарида биргаликда ўлчаш ишларини ўтказиш мақсадида 2011 йил сентябрь ва октябрь ойларида корхона раҳбариятига йўллаган мактубларида Ўзбекистон экологларининг "Талко" ДУК вакиллари билан завод ҳудудида учрашув ўтказишини таклиф этди.

"Талко" ДУК ахборот-таҳлил департаменти раҳбари Игорь Сатаровнинг 2011 йил 8 сентябрда "Озоди" радиосига берган интервьюси корхонага шундай таклиф билан мурожаат қилишга мажбур этди. У ўз интервьюсида Ўзбекистон Экологик ҳаракати, гўёки, корхона ишлаб чиқариш чиқиндиларининг трансчегаравий таъсири масалаларида "ҳеч қандай таҳлиллар ўтказмасдан шубҳали маълумотларга таянаётгани" ва "Ўзбекистон компаниянинг ҳар икки томон мутахассислари иштирокида биргаликда ўлчаш ишларини ўтказиш тўғрисидаги таклифини рад этгани"ни келтиради.

"Талко" ДУК бошқарувчи директори С.Ф. Шариповдан олинган жавобда шундай дейилган: "Талко" ДУК ишлаб чиқариш фаолиятининг трансчегаравий таъсири билан боғлиқ масалалар Тожикистон Республикаси ҳукумат тузилмаларининг доимий назоратида. "Талко" ДУК давлат корхонаси ҳисобланади ва шу сабабли атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, трансчегаравий таъсир кўрсатишни баҳолаш ва муҳокама этиш бўйича корхона фаолиятини яхшилашга оид таклифларимиз Тожикистон Республикаси ҳукуматига тақдим этилган. Тожикистон ва Ўзбекистон корхоналари фаолиятининг атроф-муҳитга трансчегаравий таъсир кўрсатиши масалаларини муҳокама этишга доир биз ва сиз билдирган таклифлар юзасидан қарорларни ҳар икки давлат ҳукумат тузилмалари қабул қилиш ваколатига эгадир".

"Талко" ДУК бошқарувчи директорининг жавоби юқорида тилга олинган корхона ахборот-таҳлил департаменти раҳбарининг баёнотига мутлақо зиддир. Айни пайтда 2012 йилнинг апрелида турли веб-сайтларда Тожикистоннинг "Талко" таъсир зонасидаги экологик аҳволни биргаликда ўрганиш тўғрисидаги таклифига қарамай, Ўзбекистон ушбу тадбирларда иштирок этишдан атайлаб бош тортаётгани ҳақидаги гаплар яна такрорланган (www/ferghana.ru сайтидаги Тожикистон Республикасининг Россиядаги элчихонаси баёнотига таянган ҳолда эълон қилинган "Душанбе Тошкентни Тожикистонда ижтимоий қўзғолон кўтариш бўйича иғво тарқатаётганликда айбламоқда" сарлавҳали мақола; www.ariana.su сайтидаги П. Болотовнинг "Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларидаги танглик" мақоласи; www.avesta.tj сайтидаги Тожикистоннинг Россиядаги элчихонаси расмий сайтида жойлаштирилган пресс-релизга таянган "Ўзбекистон Тожикистондан ҳудудининг бир қисмини беришни талаб қилмоқда" сарлавҳали мақола шулар жумласидандир). Бизнингча, бундай позиция Тожикистон қўшни давлат ҳудудларининг зарарланиши сабабли юзага келган муаммоларни муҳокама этиш ва ҳал қилиш ниятида эмаслигидан, даромад кетидан қувиб, Тожикистон ҳамда Ўзбекистон фуқароларининг ҳаёти ва саломатлигини хавф остига қўйишдан ҳам тап тортмаслигидан далолат беради.

Ўзбекистон ҳудудларининг Тожикистон алюминий заводи томонидан трансчегаравий зарарланиш оқибатларининг таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. "Талко" ДУК атмосферага чиқараётган зарарли моддалар таъсири зонасида жойлашган Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё, Узун, Денов ва Жарқўрғон туманларида экологик вазият йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда, бу ҳолат ушбу туманлар аҳолиси саломатлиги ҳамда генофондига, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилигига салбий таъсир кўрсатиб, Ўзбекистон Республикасига катта экологик-иқтисодий зарар етказмоқда.

2. "Талко" ДУК Ўзбекистон Республикасига 447,3 миллион доллар миқдорида етказилган зарарни қоплаши зарур.

Шу билан бирга, "Талко" ДУК томонидан чиқарилаётган зарарли моддаларнинг салбий таъсирини камайтириш мақсадида:

1) Корхонанинг одамлар ҳаётига хавф солаётган ва атроф-муҳитга зарар етказаётган фаолиятини тўхтатиш;

2) "Талко" ДУКнинг атроф табиий муҳитга кўрсатаётган таъсирини баҳолаш;

3) "Талко" ДУКда технологик жараёнлар ва газни тозалаш ускуналарини тўлиқ модернизация қилиш, "Талко" ДУК чиқараётган зарарли моддаларни босқичма-босқич камайтириш бўйича техник ишлар дастури тадбирларини изчил амалга ошириш;

4) Атроф-муҳитда фторли водород ва бошқа ифлослантирувчи моддалар, жумладан, смолали бирикмалар, бензапирен ҳамда оғир металлар бўлишини назорат қиладиган автоматлаштирилган тизимни яратиш учун ускуналар харид қилиниши зарур.

**Б. АЛИХОНОВ,**
**С. САНГИНОВ,**
**Ўзбекистон Экологик ҳаракати.**

# Халқаро ҳамкорлик ривожланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги кунда мавжуд 10 та республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида аҳолига кардиология ҳамда кардиожарроҳлик, акушерлик ва гинекология, урология, офтальмология, пульмонология ва фтизиатрия, эндокринология каби йўналишларда юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Келгусида эса ушбу марказларнинг моддий-техник, илмий-амалий базасини янада мустаҳкамлаш мақсадларига қарийб 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг маблағлар йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

— Юртингиз тиббиёт тизимидаги изчил ислоҳотлар натижаси Ўзбекистоннинг, чиндан ҳам, улкан имкониятлар мамлакати эканлигини кўрсатиб турибди, — дейди Корея Республикасининг Северанс клиникаси директори ўринбосари Ёнг Хван Пак. — Очиғини айтганда, тиббиёт соҳасида мамлакатингиз эришган бундай муваффақиятларни қўлга киритиш учун Жанубий Кореяга қарийб 60 йил керак бўлган эди. Шу маънода, Президент Ислом Каримов бошчилигида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳар қанча таҳсинга сазовор. Клиникамиз ҳақида гапирадиган бўлсам, ушбу шифо муассасасида юксак технологиялардан кенг фойдаланиб, кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, онкологик касалликлар, ортопедия хасталикларини самарали даволашга муваффақ бўлмоқдамиз. Бугунги анжуманда қатнашишдан мақсадимиз эса, ўзбекистонлик мутахассислар билан ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорлик алоқаларимизни янада мустаҳкамлашдан иборат.

— Ўтган йили юртингизда "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзуидаги халқаро анжуман ўтказилган эди, — дейди Корея Онкология университети профессори Жун-Ги Ким. — Бугунги тадбир унинг мантиқий давоми, десак, янглишмаймиз. Негаки, биз бу ерга ўзбекистонлик ҳамкасбларимизнинг тиббиёт соҳасидаги юксак технологияларни қўллаш борасидаги тажриба ва иш услуби билан танишиш, икки томонлама кадрлар алмашувини йўлга қўйиш мақсадида ташриф буюрдик.

Семинар доирасида юртимизда меҳмон бўлиб турган кореялик тиббиёт мутахассислари бир қатор даволаш муассасалари, хусусан, Республика ихтисослаштирилган кардиология, эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказлари, Республика онкология илмий маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти каби қатор тиббиёт муассасаларида бўлиб, мутахассисларимизнинг иш тажрибаси билан яқиндан танишадилар.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ.**

# «Дунфан Цзаобао» Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳияти ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўқувчиларни Фармоннинг асосий мазмун-моҳияти билан таништирар экан, мақола муаллифи бундан буён паст ликвидли объектларни аниқ инвестиция мажбурияти эвазига инвестор билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан танлов ўтказмасдан "ноль" харид қиймати бўйича сотиш мумкинлиги мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя киритиш учун самарали туртки беришини ёзади.

Фармоннинг муҳим жиҳати шундаки, қиймати 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Мақола муаллифининг фикрича, Фармонда вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат идоралари, тижорат банклари томонидан хорижий инвесторлар ҳамда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ қўшимча талаблар ва чекловлар ўрнатилиши қатъиян тақиқланишининг назарда тутилиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

"Шу билан бирга, сармоявий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишда қатнашаётган хориж компаниялари мутахассислари ўзларининг инвестициявий фаолиятини амалга оширишлари учун Давлат бюджети ва унинг ижроси, пул-кредит сиёсати, ташқи савдо ҳамда бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда, зарур бўлган иқтисодий ахборотлардан тизимли асосда белгиланган тартибда кенг фойдаланишлари мумкин", дея қайд этилади газетада.

**«Жаҳон» АА.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЛАНД КУНЛАРИ

*Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистонда Тайланд кунларининг очилишига бағишланган маросим бўлди. Тадбирда мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари, юртимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, санъатшунос олимлар иштирок этди.*

## Анжуман

Ўзбекистон Республикаси билан Тайланд Қироллиги ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган ушбу анжуманда Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддинов, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Баҳодир Аҳмедов, Тайланд Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Итти Дитбанчонг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар сингари маданият, санъат ва спорт йўналишида ҳам ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавият ва маърифат, маданият ва санъат соҳаларини янада равнақ топтириш, ёшларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар жаҳон миқёсида катта қизиқиш уйғотаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон билан Тайланд ўртасидаги дўстона алоқалар самарасида икки давлат мусаввирлари, фото ва спорт усталари мамлакатларимизда ўтказилаётган халқаро фестиваллар, санъат ҳафталиклари, халқаро биенналелар, йирик спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этмоқда. Маданият ва санъат жамоаларининг ўзаро гастроллари ташкил қилинмоқда, тайландлик санъаткорлар "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида фаол қатнашиб келаётир.

Ўзбекистон ва Тайланд ҳамкорлигида қатор маданий тадбирларнинг ўтказилиши маданий-гуманитар алоқаларнинг изчил тараққий этиб бораётганидан далолатдир. Жумладан, 2010 йилнинг октябрь ойида мамлакатимизда Тайланд Қироллиги маликаси Маха Чакли Сириндорннинг "Ўзбекистон ҳақида достон" мавзуидаги фотокўргазмаси, 2011 йилнинг сентябрида эса Тайланд Қироли, фотография санъати бўйича "FotograNica" халқаро мукофотининг совриндори Пхумипон Адулядет — Рама IX фотоасарларининг кўргазмаси ташкил этилди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида муайтай бўйича жаҳон чемпионатининг илк бор ушбу спорт тури пайдо бўлган жой — Тайланддан ташқарида — Тошкентда ўтказилгани спорт соҳасидаги самарали ҳамкорлигимизнинг ёрқин намунасидир.

Тайландда ҳам мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган қатор тадбирлар, жумладан, Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мамлакатимиз делегациясининг Тайландга ташрифи асносида Ўзбекистон Республикаси ва Тайланд Қироллиги ўртасида маданият ва спорт соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди.

Пойтахтимизда бошланган ва 27 майга қадар давом этадиган Тайланд кунлари мамлакатларимиз ўртасида ривожланиб бораётган алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Тадбирлар давомида Тошкент Фотосуратлар уйида тайландлик ижодкорларнинг кўргазмалари, Тайланднинг муайтай ва муайборан кураш санъати ҳамда миллий таомлари намойиши бўлиб ўтади. Ушбу тадбирлар Тайланд халқининг ҳаёти, тарихи ва бугунги куни, маданияти, урф-одатлари билан янада яқинроқ танишиш имконини беради.

Анжуманнинг очилишида тайландлик санъаткорларнинг чиқишлари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистонда Тайланд кунлари доирасида Тайланд Қироллиги делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликларида музокаралар ўтказди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Ислоҳот

*Наманган шаҳрида "Кичик бизнесда тўқимачилик саноати: амалий тажриба ва истиқболлар" мавзуида республика анжумани ўтказилди.*

# Тўқимачилар анжумани

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда манфаатдор вазирлик ва идоралар, хорижий компания вакиллари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 60 га яқин тўқимачилик корхоналари раҳбар ва мутахассислари қатнашди.

Конференцияда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан миллий иқтисодиётимизнинг муҳим тармоғи — тўқимачилик саноатида улкан ўзгаришлар амалга оширилгани ҳамда мавжуд корхоналар техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилинганини эътироф этдилар. Хусусан, истиқлол йилларида соҳага 1,8 миллиард АҚШ долларилик хориж инвестицияси жалб қилинди. Тармоқда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 50 дан ортиқ лойиҳалар рўёбга чиқарилди.

Наманган вилоятида ҳам тўқимачилик саноати жадал ривожланиб бормоқда. Айни пайтда ҳудудда соҳага ихтисослаштирилган 191 корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ошиб бораяпти.

Анжуман доирасида Фарғона, Андижон ҳамда Наманган вилоятларида фаолият кўрсатаётган бир қатор тўқимачилик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ўтказилди.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Б. Юсупов иштирок этди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Реклама ва эълонлар

# «ТУРОН КИМ ОШДИ САВДО»
## МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ танлов савдосига таклиф этади!**

***Танлов савдосига «Ипотека-банк»и Хоразм вилояти филиалининг қуйидаги корхона устав фондидаги 100 фоиз улуши қўйилмоқда:***

| Т/р | Танловга қўйилган объект | Корхона жойлашган манзил | Сотувга қўйилган улуш (%) | Закалат миқдори (%) | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «Катқалъа текс» МЧЖдаги улуш | Хоразм вилояти, Шовот тумани, Гулзор кўчаси, 15-уй | 100% | 0,5% | 10 238 635 450,08 |

Танлов савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни «Турон ким ошди савдо» МЧЖга тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчисининг «Ипотека-банк»и «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 20208000904944289001, МФО: 00580, СТИР: 302141851.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Танлов ўтказиш қоидалари, танлов шартлари ва танлов таклифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари «Турон ким ошди савдо» МЧЖга белгиланган тартибда тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин. Танлов ҳужжатларининг нархи савдо ташкилотчиси томонидан белгиланади.

Танлов таклифларини қабул қилиш муддати — 2012 йил 22 июнь куни Тошкент вақти билан соат 18.00 да тўхтатилади (таклифлар тушмаган тақдирда, танлов савдоси 2012 йил 3, 10 ва 17 июль кунлари соат 15.00 да такроран ўтказилади, такрорий савдога танлов таклифларини қабул қилиш савдодан 3 кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади).

Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2012 йил 26 июнь куни Тошкент вақти билан соат 15.00 да «Ипотека-банк»и Хоразм вилояти филиали мажлислар залида (2-қават) амалга оширилади. Таклифларни очиш вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Савдода энг мақбул таклиф киритган талабгор танлов ғолиби, деб топилади.

Тўловларни амалга ошириш тартиби: танлов ғолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 5 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг 7 кун ичида бўнак пули сифатида, қолган қисмини эса олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда, яъни 95 фоиз қийматини 18 ойлик имтиёзли даврдан сўнг жами 7 йил ичида ҳар чоракда тенг қисмларга бўлиб-бўлиб сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

***Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.***

**Танлов савдоси ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: 220100, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 2/1-уй. Телефон: (8-362) 226-63-57.**

876А/579

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

## Бухоро вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 3 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Намозгоҳ кўчасида жойлашган, Бухоро ғишт заводи ҳудудидаги умумий ер майдони 2700,0 кв.м.дан иборат уч қаватли маъмурий бино, қоровулхона, йўлак ва майдонлар, тутзорлар мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 171 851 913 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 28 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 26 июнь куни соат 18.00.

Шунингдек, такрорий аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2011 йил 12 августдаги 2-37-11-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Бухоро шаҳри А. Жомий кўчаси, 15/5-уйда жойлашган, умумий ер майдони 995,64 кв.м.дан иборат сауна биноси ва унинг ичидаги мулклар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 474 009 313 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 14 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 12 июнь куни соат 18.00.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро филиалининг «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефонлар: (8-365) 223-71-36, 223-71-30. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

879R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

# СТМ лойиҳаси бўйича жамоат тингловлари ўтказиш тўғрисида
## эълон

***«Ўзнефтгазқазибчиқариш» АК Австралиянинг «Macqarie Bank Limited» компанияси билан ҳамкорликда Соф тараққиёт механизми (СТМ) лойиҳаси доирасида углерод оксидининг атмосферага чиқарилишини камайтиришга қаратилган «Жанубий Кемачи, Крук, Ғарбий Крук, Шимолий Ўртабулоқ, Умид конлари гуруҳидаги йўлдош газларни утилизация қилиш» лойиҳасини муҳокама қилиш учун жамоатчилик вакиллари (манфаатдор шахслар, мутахассислар, ташкилотлар вакиллари) билан учрашув ўтказади.***

Барча манфаатдор шахслар «Муборакнефтгаз» УШКнинг мажлислар залида бўлиб ўтадиган учрашувга таклиф этиладилар.

**Манзил: Қашқадарё вилояти, Муборак шаҳри, Занжирсарой кўчаси, 1-уй.**

Учрашув 2012 йил 31 май куни соат 15.00 да ўтказилади.

Тадбирда иштирок этишга имконияти бўлмаган манфаатдор шахслар ўз фикр ва мулоҳазаларини қуйидаги факс ёки электрон манзил бўйича юборишлари мумкин:

**Факс: (+99871) 235-83-37, 234-86-79, 235-86-34.**
**E-mail: gazdob@duplextel.iz vnt-ak@mail.ru**

*Каримов Алимаҳмуд Кенжаевич эътиборига.*

874А/651

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

## Жиззах вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Жиззах шаҳар СИБ томонидан, Жиззах вилояти хўжалик судининг 2011 йил 31 октябрдаги 13-1101-12441-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жиззах шаҳри, Улуғбек маҳалласи, Пахта тозалаш заводи ҳудудида жойлашган, «Барна Плюс» МЧЖга тегишли ишлаб чиқариш бинолари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 304 163 115 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 28 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 26 июнь куни соат 18.00.

Шунингдек, аукцион савдосига Зарбдор тумани СИБ томонидан қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Жиззах вилояти хўжалик судининг 2010 йил 25 мартдаги 13-1004/6375-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарҳод ва Кичик халқа йўли кўчаларида жойлашган, «Зарбдор Элеватор» АЖга қарашли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси.

***Бошланғич баҳоси — 1 017 602 164 сўм.***

**2.** Жиззах вилояти хўжалик судининг 2010 йил 25 мартдаги 13-1004/6375-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зайтун кўчасида жойлашган, «Зарбдор Элеватор» АЖга қарашли 3-5-7-уйлар.

***Бошланғич баҳоси — 658 856 128 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 13 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 13 июндаги такрорий савдо учун 2012 йил 11 июнь куни соат 18.00. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Жиззах вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

**Манзил: Жиззах ш., Ш. Рашидов к., 39-уй. Телефон: (8-372) 222-34-16. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

877R/1441

*Лицензия: RR-0001.*




**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

## Сирдарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан, Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 27 сентябрдаги 12-1012/7208-сонли ижро варақаси, 2011 йил 25 ноябрдаги 12-1103/13527(4)-сонли ижро варақаси, 2011 йил 31 январдаги 12-1101/276(11)-сонли ижро варақаси ва 2011 йил 29 декабрдаги 12-1012/7208(11)-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, 4-мавзе, Бўстон маҳалласида жойлашган, «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли, қурилиш майдони 561,88 кв.м., фойдали майдони 1423,98 кв.м.дан иборат 0001-литердаги 55 хонали идора биноси ва 0002-литердаги бино қисми (қаноти) қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 609 890 655 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 26 июнь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳридаги «Бизнес маркази» биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 22 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: ( 8-367) 226-38-91. Расмий сайт: www.1kms.uz**

878R/1441

*Лицензия: RR-0001.*




# Мактабдан — коллеж ва лицейларга

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эътироф этиш жоизки, мазкур мактабда илмга чанқоқ ёшларни ўн икки йиллик узлуксиз таълимга тўлиқ жалб қилиш мақсадида қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Яъни бу ерда аниқ фанлар ҳамда хорижий тиллар чуқурлаштирилган тарзда ўқитилиши билан бирга, битирувчиларнинг касб-ҳунарга қизиқишини кучайтириш бўйича ҳам муайян чора-тадбирлар кўрилди. Ўқув йили давомида “Касбим — фахрим”, “Келажакда ким бўлмоқчиман?”, “Очиқ эшиклар куни” сингари сўровнома, экскурсия, тренинглар мунтазам ўтказилганлиги бунинг далолатидир. Асосийси, самара ҳам шунга яраша: битирувчилар банк ва молия, ахборот технологиялари, темир йўл муҳандислиги, маиший хизмат, тиббиёт сингари ўзлари қизиққан йўналишлар бўйича ўрта махсус ўқув масканларига ҳужжат топширишмоқчи.

Жорий йилда мамлакатимиз умумтаълим муассасаларини битирган ўғил-қизлар таълимнинг навбатдаги босқичига йўналтирилиши кўзда тутилган. Айни кунларда “Умид ниҳоллари” спорт ўйинлари юксак савияда ўтказилаётган Навоий вилоятида ҳам 16 минг 432 нафар битирувчи қадрдон мактаби бағридан учирма бўлаётир. Жумладан, Кармана туманидаги 2-умумтаълим мактабида ҳам “Сўнгги қўнғироқ” садоси янгради.

— Таълим даргоҳимизда 1300 нафарга яқин ўқувчи таҳсил олади, шулардан 129 нафари битирувчилардир, — дейди мактаб директори Хуршида Шарипова. — Улар республика миқёсидаги фан олимпиадалари ҳамда кўплаб спорт мусобақаларида фаол иштирок этишди. Мактабимизнинг “Билимдонлар жамоаси” ҳам битирувчилардан таркиб топган. Бу ўқувчилар “Ўйла, изла, топ”, “Зукколар беллашуви” сингари тадбирларда биринчиликни қўлга киритиб, интеллектуал жиҳатдан кучли жамоа сифатида танилишган. Ишонаманки, бундай фаоллик уларни келгусида ҳам тарк этмайди.

Шу куни Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги 41-умумтаълим мактаби ҳам байрамона руҳга чулғанди. Таълим маскани ҳовлисига 704 нафар ўқувчи жам бўлди. Улардан 106 нафари “Сўнгги қўнғироқ” садолари остида қадрдон мактаби, устоз-мураббийлари ва укасингиллари билан хайрлашдилар.

— Болалигимдан автомобилсозликка қизиқаман, — дейди шу мактаб битирувчиси Руслан Бердиев. — Турли русумдаги машиналар суратларини ҳам тўплаганман. Компьютеримда ўзимизнинг “Нексия”, “Дамас”, “Матиз”, “Спарк” каби машиналаримизга оид барча маълумотлар бор. Мақсадим, Самарқанд автомобилсозлик коллежида таҳсил олиш. Ниятим амалга ошса, келгусида вилоятимиз марказидаги “SamAvto” заводида етук мутахассис бўлиб ишламоқчиман.

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги 37-умумтаълим мактаби ўқувчиси Муаззам Мамажонова — адабиёт шайдоси. Мазкур таълим масканини битираётган 93 нафар тенгдоши қатори бугун унинг ҳам қалбида катта ҳаяжон.

— Келажакда устозларим сингари ўқитувчилик касбини эгалламоқчиман, — дейди у тўлқинланиб. — Чунки шу қадрдон мактабимдан кетгим келмайди. Бу ерда барча шарт-шароит муҳайё этилган. Ўқиганларимни, билганларимни укаларим, сингилларимга ўргатсам, дейман. Шу мақсадда аввал Наманган давлат университети қошидаги академик лицейда, кейин эса шу университетнинг Ўзбек филологияси факультетида аъло баҳоларга ўқиш ниятидаман.

Дарҳақиқат, таълим ва тарбиянинг мустаҳкам пойдевори мактабда шаклланади. Ўғил ва қизларимиз бу ерда эгалланган пухта билимларини лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида такомиллаштириш пайидан бўладилар. Бугун мамлакатимиз умумтаълим мактабларини битираётган барча ёшларнинг қалби ана шундай ҳавасу иштиёққа лиммо-лим.

...Шу куни мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги барча умумий ўрта таълим муассасаларида “Сўнгги қўнғироқ” тадбирлари кўтаринки руҳда ўтказилди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**Бахтиёр АКРАМОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Қадрият

## Дилдан тилга кўчган аллалар

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси ташаббуси билан ўтказилган “Онам айтган аллалар” республика кўрик-танловининг вилоят босқичи иштирокчилари томонидан айтилган алла, ўлан, лапар каби миллий қўшиқларимиз ўз сеҳру жозибаси билан қалбларни мавжлантирди.

Аллаларга ўзига хос сайқал бериб, уларни маҳорат билан ижро этган Андижон давлат университетининг қизлар жамоаси ҳакамлар ҳайъати томонидан биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Булоқбоши ҳамда Марҳамат туманлари жамоаларига кейинги ўринлар насиб қилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО

(26 май)



| | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +16 +21 | +29 +34 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +16 +21 | +29 +34 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +15 +20 | +27 +32 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +16 +21 | +28 +33 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +15 +20 | +28 +33 |
| Тошкент шаҳрида | +17 +19 | +30 +32 |


STANDARD
&POOR‘S

2012 йилнинг май ойида

«STANDARD&POOR‘S»
халқаро рейтинг агентлиги

ХОАТИ «Туркистон» банки
фаолиятига рейтинг баҳосини бериб,
рейтинг истиқболини

«Барқарор»

деб белгилади.

TURKISTON BANK

882R/656



Реклама ва эълонлар

O‘ZSANOATQURILISHBANK

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ОАТБ

савдо (POS) терминалларини етказиб бериш бўйича очиқ тендер эълон қилади.

*Тендерда харид қилинадиган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва/ёки етказиб берувчи ҳисобланган, тендер предметига мос маҳсулотларни тегишли ҳажмда етказиб бериш бўйича тажрибага эга, хорижий ҳамда мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотлар иштирок этиши мумкин.*

**1. Тендер комиссияси ишчи органининг манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.**

**Телефон: (+99871) 140-36-32. Факс: (+99871) 140-36-38. E-mail: info@uzpsb.uz**

**2. Тендер мавзуси.**

**«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимида мавжуд карточка тизимини янада ривожлантириш учун савдо (POS) терминалларини етказиб бериш.**

**3. Маҳсулотни етказиб бериш шартлари ва муддатлари.**

Маҳсулотни етказиб бериш шартлари ҳамда муддатлари тендер ҳужжатларида акс эттирилган.

Тендер савдоларида иштирок этиш ҳамда тендер ҳужжатларини харид қилиш учун хорижий иштирокчиларга 200 АҚШ доллари, маҳаллий иштирокчиларга эса Марказий банкнинг тўлов амалга ошириладиган кундаги курс бўйича сўмдаги эквиваленти миқдорида белгиланган.

Қўшимча маълумотлар ва тендер ҳужжатларини харид қилиш учун тендер комиссиясига мурожаат этиш лозим.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2012 йил 10 июль куни Тошкент вақти билан соат 17.00 гача.

883A/667



Ҳурматли юртдошлар!

ASAKA BANK

«АСАКА» банки (ОАЖ)

миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

«ТАЪТИЛ — 2012»

Сақланиш муддати — 15 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилган (15 ой)дан сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-13 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (371) | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | (371) | 221-80-67 |
| 5. | Сергели филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (374) | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (374) | 233-13-69 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (374) | 226-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | (373) | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (373) | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (373) | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (373) | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (369) | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | (436) | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (436) | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (365) | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (365) | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (366) | 231-08-86 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (366) | 221-77-56 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (375) | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (361) | 770-60-59 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (362) | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (367) | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (372) | 226-43-11 |

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

*Хизматлар лицензияланган.*

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*

880R/15



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

**2012 йилда катталар учун ногиронлар аравачасини етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш юзасидан очиқ тендер натижасига кўра, тендер ўтказилмаган деб ҳисоблангaнлигини маълум қилади.**

*Мазкур тендер танловини ўтказиш тўғрисидаги эълон «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 7 апрелдаги 68 (5488)-сонида чоп этилган.*

827R/624


Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жамоаси Ижодкор ёшлар билан ишлаш, халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Бармат Дурдиевга волидаи муҳтарамаси

**Саодат ая СУЛТАНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси бошқаруви уюшманинг Хоразм вилояти бўлими бошқаруви раиси Улуғбек Исмаиловга волидаи муҳтарамаси

**ЗЕВАР аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Автомобиллар ва ихтисослаштирилган транспорт воситалари кафедраси ассистенти Нодир Зокировга падари бузруквори

**Ботир ЗОКИРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 91 284 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.25 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5